

Ўзбекистон ислом маданияти дея тарғиб қилинади



12:02 / 21.06.2019 2000

Ўзбекистон ҳукумати республикани халқаро миқёсда ислом маданияти бешиги сифатида тарғиб қилиш ниятида. Бу ҳақда [islam-today](#) сайти хабар беради.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг матбуот хизмати маълумотига кўра, қўмита раиси вазифасини бажарувчи Абдулазиз Оққулов Буюк Британия жамият фаоли Аҳмад Салим билан бўлган учрашувда келишувга эришди.

Таъкидланишича, Аҳмад Салим «1001 ихтиро» мусулмон ташкилоти директори. У жаҳон маданияти ва ижтимоий соҳадаги исломий меросни тарғиб қилишга бағишланган қатор муваффақиятли лойиҳаларни амалга ошириш билан машғур.

Хусусан, унинг компанияси БМТ, ЮНЕСКО ва жаҳонга машғур музейларда турли тадбирларни ташкиллаштиришда иштирок этиб келади.

Абдулазиз Оққулов билан суҳбат чоғида Аҳмад Салим Бухорони 2020 йил бўлиб ўтадиган «Ислом маданияти пойтахти» тадбирини ташкил этишда ёрдам беришга тайёр эканлигини билдириб ўтган.

